

**ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ТИЛГА ОИД СЎЗЛАРНИНГ СЕМАНТИК
ТАҲЛИЛИ (АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ МИСОЛИДА)****Эгамова Шоҳида Джалиловна***Низомий номидаги ТДПУ доценти, ф.ф.н.***Суханбердиева Ситора Санжар қизи***Низомий номидаги ТДПУ талабаси*

Аннотация: Ушбу мақолада Алишер Навоий асарлари тилида қўлланилган қадимги туркий тилга оид лексик бирликларнинг семантик таҳлили ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: Алишер Навоий, қадимги туркий тил, семантик структура, моносемантик лексема, полисемантик лексема, метафора, метонимия, синекдоха, функциядошлик, дифференциация, маъно кенгайиши.

Ижтимоий ҳодиса ҳисобланмиш тилнинг узок муддатли тараққиёти жараёнида унинг барча сатҳларида бўлгани сингари, сўзнинг семантик қурилишида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлади. Семантик структуранинг ўзгаришини кузатишда лексик маънонинг йўқ бўлиши эмас, балки янги маънонинг юзага келиши ва у билан алоқадор масалаларни ойдинлаштириш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади¹⁰. Шу нуқтаи назардан биз қадимги туркий тилга оид лексемаларнинг Навоий асарлари тилида маъно кенгайишини кузатишда уларни икки гуруҳга, яъни 1) моносемантик лексемалар маъно қурилишининг ўзгариши ва 2) полисемантик лексемалар маъно қурилишининг кенгайишига ажратиб таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдик. Зеро, кузатишлар нафақат қадимги туркий тилга хос яқка маъноли лексемалар, шунингдек, кўп маъноли сўзлар ҳам XV-XVI асрларга келиб ўз маъносини янада кенгайтиришга эришганлигидан далолат беради. Маълумки, бирор-бир сўзнинг янги нарса-предмет, белги-хусусият, ҳаракат-ҳолат кабиларнинг ифодаловчисига айланиши -ном кўчиш янги маъно ҳосил бўлишининг метафора, метонимия, синекдоха, функциядошлик каби усуллари негизида воқеланади¹¹. Мана шуларни диққат марказида тутган ҳолда мавзуни таҳлил қилиш лозим бўлади.

Ўзбек адабий тилининг том маънодаги бунёдкори Алишер Навоий эски ўзбек адабий тили сўз бойлигини нафақат янги ясалган ёки чет тиллардан ўзлашган, балки қадимги туркий тил (VII-X) ва эски туркий тил (XI-XIV) дан мерос сифатида етиб келган туб туркий лексемаларни ўз асарларида фаол қўллаш, уларга янгидан-янги семалар юклатиш қобилияти билан ҳам кишини ҳайрон қолдиради. Навоий даври ўзбек адабий тили лексик- семантик

¹⁰ Қаранг: Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов Н., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. -Тошкент, 1980. -Б.107-108.

¹¹ Қаранг: Юқоридаги дарслик. -Б.108-110.

тизимининг ривожланиш ва шаклланишида семантик жараёнлар муҳим аҳамият касб этади.

Бу жараёнлар асосан икки жиҳатдан характерланади:

- 1) лексемалар маъновий тизимининг фаол бойиши, ранг-баранг мавҳум лексика соҳалари шаклланиши боис турли кўчма маъноларнинг тараққий этиши;
- 2) лексемалар маъноларининг хусусийлашувига оид жиҳатнинг кучайиши, маънолардаги аниқлик ва дифференциацияга бўлган мойиллик.

Ушбу икки ҳодиса ўз характери ва йўналишига эга маъновий жараёнларда ифодасини топади. Семантик жараёнларнинг турли йўналишга эгаллиги уларни икки турга бўлиб ўрганишни тақозо қилади. Биринчи тур- нарсалар ҳамда тушунчалар дунёси, у жамият турфа соҳалари тараққиёти билан бевосита боғлиқ бўлиб, янги тушунча ва воқеликларни аташ эҳтиёжи туфайли юзага чиқади. Семантик жараёнларнинг иккинчи тури тил лексик тизимида содир бўлган ички муносабатлар, тизим унсурларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда бир-бирини тақозо қилиш туфайли вужудга келади.

Семантик ўзгаришларнинг бу икки тури бир-бири билан чамбарчас муносабатда бўлади, аммо уларнинг тилда тутган ўрни турличадир¹².

Алишер Навоий даври учун қайси турнинг характерли эканлиги борасида ҳозирча бирор-бир мулоҳаза юритиш анча мушкул. Зеро, бу йўналишда махсус тадқиқотларнинг йўқлиги аниқ фикр билдиришга монелик қилади. Эски ўзбек адабий тили лексик фондининг асосий қисми бўлиб хизмат қилган бу лексемалар ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий, диний ва ҳ.к. тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилган.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асарига “*яхши, дуруст*” маъноси касб этган ҳамда *эдгү/эзгү* лексемасига маънодош бўлган *йақшы* сифати Навоий насрида *йахшы* фонетик шаклида денотатив маъно: *йахшы ат билә алам ара йахшы ат чықаргаймэн* (Муншаот, XIII, 139) қатори кўчма, яъни “*зодагон*”: *Бу ҳамида хисал ва тисандида аф’ал жиҳатидин йахшы ва йаман аҳл=и замán қашыда азиз ва мукаррам ва муҳтарам болур эрмишләр* (ҲСҲА, 76) маъноси ҳам касб этади. Лексеманинг кейинги коннотатив маъноси эски ўзбек адабий тили манбаларида, жумладан, Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Абулғозий, Огаҳий ва бошқалар асарларида фаол ишлатилганини кўраимиз. Текширилаётган сўзнинг зидди ҳисобланмиш *йаман* лексемаси “*ёмон, ҳар нарсанинг ёмони*” маъносида биринчи бор “*Девону луғатит турк*” (ДЛТ, III, 36)да қайд этилади. Мазкур лексик бирлик Навоий асарларидаги маъно кенгайиш ҳодисасига учрайди ва у “*ёмон, номаъқул*” маъноси қатори “*ёмон одам*”: *йамандын йахшылық көз тутмақ фásид ҳаййáлдур*” (МК, 159) ва “*авом, қора халқ*” маъносини ҳам ифодалайди: *йахшы ва йаман аҳл=и замán қашыда азиз ва мукаррам ва муҳтарам болур эрмишләр*(ҲСҲА, 76).

Иш лексемаси асосан “*иш, юмуш, меҳнат*” маъносида қадимги туркий тил ва эски туркий тил обидаларида кенг қўлланган (ТЎН, 52). Навоий асарлари тилида ҳам

¹² Веселитский В.В. Отвлеченная лексика в русском литературном языке XVIII начале XIX в. -М., 1972. -Б.138-139.

лексеманинг ушбу маъноси етакчилик қилади. Айни чоғда унга “куй, оҳанг” семасининг юклатилиши диққатни жалб этади: *Хурасан мулкидә, балки Самарқанд ва Ирақда ҳамул ишни билмас гўйанда йоқтур* (ХПМ, 90). Яна шуни таъкидлаш лозимки, *иш* лексемаси Навоий назмида метафорик “жанг” маъносида ҳам истеъмолда бўлган¹³.

Икки шах ҳар сары иш фикридә,

Йасал зикри бирлә тикиш фикридә (СИ, XI, 24).

Ўрни келганда *иш* лексемасининг адиб дostonларидан бирида кўн сўзи билан синтагматик муносабатга киришиб *иш* кўни изофали бирикмасини ташкил этганини ва “жанг, маърака кун” тушунчасини ифодалаганини эътироф этиш лозим бўлади.

Иш кўни қойганда адуд сары йўз,

Төрә бирлә бурна ясалыңны тўз (ХА, 249).

Маҳмуд Кошғарий луғатида *багла*= феъли фақат “*богламоқ*” маъносида қўлланган: *ол отун баглады* (Ш, 307). Навоий асарлари тилида бу лексема маъно доирасини бир неча бор кенгайтирган ва у ифодалаган семалар сони еттидан ортган¹⁴. Насрий асарларда лексеманинг “*битмоқ, яратмоқ*”: *Мавлана Саҳиб Балхий... өз газалларыны өз амалларигә баглабдур* (МН, 19) ва “*басталамоқ, ёзмоқ*”: *Йана “Сигаҳ” амалидўрким, мавланә Хусравийнинг иш’ригә баглабдур* (ХПМ, 90) маънолари касб этганлиги яққол намоён бўлади.

Йўз лексемаси қадимги туркий тил ва эски туркий тил ёдномаларида “*юз, афт*” (ДЛТ, III, 156) ва “*сатх, юза, сирт*” (ДТС, 287) маъноларида қўлланишда бўлган. Навоий асарларида ушбу лексик бирлик қайд этилган маънолардан ташқари “*сабаб, важ*”: *Ул ҳазрат шукургузәрлық йўзидин ма’зарат қылыб дэдиләр* (НМ, 181) ва “*нигоҳ, назар, эътибор*” маъноларини ҳам англата олган: *Сухбатниң йўзи Паҳлаванга эврүлүр эрди* (ХПМ, XIV, 96). “Бобурнома” да *йўз* лексемаси яна бир коннотатив маъно касб этади ва “*фронт, қўшиннинг душманга юзланган томони*” маъносида ҳам истеъмолда бўлади¹⁵.

Йаса= феъли илк бор “Култегин” битигтошида “*тақсимламоқ, яратмоқ*” маъносида кўзга чалинади (ДТС, 245). Илк эски туркий тил манбаларида (XI-XII) бу сўз учрамайди. Эски ўзбек тили даврида фаоллашган ушбу лексик бирлик Навоий асарларида олти маънони ифодалаш учун хизмат қилган¹⁶. Шоир насрий асарларида лексеманинг денотатив маъноси сифатида “*қурмоқ, бино қилмоқ*” олдинги ўринга чиқади: *Ул ҳазрат ҳавлилариниң ичиндә йэр инайат қылыб бэриб эрдиләрким, фақир өзигә мухтақир манзил йасабмэн* (ХМ, 15). “*Ёзмоқ, тартиб бермоқ*” семаси *йаса*=нинг яна бир маъноси бўлиб, у адибнинг “Насойимул-муҳаббат” асарида кўринади: *...йана бир китаб йасамақ кэрәк* (НМ, 73). Лексеманинг “*сафга тизмоқ, тартибга келтирмоқ, йигмоқ*” сингари ҳарбий ишга доир маъно ҳам касб

¹³ Қаранг: Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. –Ташкент: Фан, 1990. –Б.83.

¹⁴ Қаранг: Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том.I. -Тошкент, 1983. -326 б.

¹⁵ Қаранг: Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы... -Б.83.

¹⁶ Қаранг: Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том.III. -Тошкент, 1984. -Б.596 -597.

этганлигини куйидаги мисолдан кўриб олиш мумкин: *Ва ул... синаҳ йасаб... қайсарны ва барча элин маст дастгир қылды* (ТМА, 215).

Йана боғловчиси “тагин, яна” маъносида XIII-XIV асрларда уюшиқ бўлақларни, содда гапларни бириктирган¹⁷. Навоий асарларида боғловчининг қайд этилган маъноси етакчилик қилган. Шу билан бирга баъзан у “ўзга, бошқа” маъносини ҳам англаган: *Бир кўн фақир хизматында эрдим ва йана киши йоқ эрди* (ХМ, 24). Йана боғловчисининг кейинги маъноси бошқа манбалар тилида кузатилмайди. Шу боис бу семани Навоийга хос оккозионализм тарзида баҳолаш ўзини оқлайди.

Элт= феъли кўҳна туркий манбаларда “олиб бормоқ, бошламоқ” каби маъноларда қўлланган (ДТС, 171). Навоий асарлари тилида мазкур лексик бирлик “олиб бормоқ, олиб кетмоқ” бош маъноси қатори: *Бу фақир йасаган ҳазирага элтмишләр* (ҲСҲА, 84), “кетказмоқ, йўқ қилмоқ”(ХМ, 16, 324). “ажратмоқ, жонини олмоқ”, “Ал-ҳукму лиллаҳ”, *эгәсигә биздин кәрәклик экандүр-элтти, умид улким, раҳмат қылгай* (ҲСҲА, 84), “киргизмоқ, асл ҳолига келтирмоқ” семаларида ҳам ишлатилган: *Аны Тәңри таала аслы суратыга элтиб эрди* (ТАХ, 236).

“Қутадғу билиг” ва “Девону луғатит турк”да “эшик, остона” (ДТС, 185) маъноларида ишлатилган эшик лексемаси Навоий насрида “эшик, дарвоза”; *уйләргә эшик йасады* (МК, 142), “уй, ҳовли”: *Йана кўн ол баззәз эшигигә барды* (НМ, 96), “даргоҳ, сарой”: *ва пәдшәх эшигидә...*(ТПМ, 96), “ташқари, атроф”: *Мавланә Жавҳарий... сабунхана эшигидә көчәниң ортасыда өзи үчүн хужрагинә йасаб эрди* (МН, 68) сингари маъноларни ифодалаган.

“Баланд жой” маъносидаги йоқ сўзига жўналиш келишиги аффикси - қару ни кўшишдан ҳосил қилинган йоқару лексемаси “юқори” маъносида қадимги туркий тил ва эски туркий тил манбаларида қўлланишда бўлган (ДТС, 273) ҳолда, у Навоий асарлари тилида йуқары шаклида ўз маъно доирасини бирмунча кенгайтиришга эришган. Сўзнинг дастлабки маъноси адиб насрида ҳам доминант ҳисобланади. Шу билан бирга унинг “аввалги, олдинги”: “...ва йуқарыгы отгән ишләрни андын соңра қылды” (ТМА, 215), “ҳукмдор даргоҳи; амалдор”: *Арзадәйтда дагы ол сөзләрдин мазкур эрди, барчасын шарҳ билә йуқары арз қылылур* (Муншаот, 113), ҳамда “ортиқ, кўп, зиёд”: *Барча тақдир билә йәтти йүз йилдин йуқарыдур* (ТМА, 193) сингари семаларга эга бўлганлигини келтирилган фактик материаллар ёрдамида англаш мумкин.

Хуллас, Алишер Навоий асарлари тилида кенг истеъмолда бўлган қадимги туркий лексиканинг муайян қисмида содир бўлган маъно кенгайтириш ҳодисаси нафақат мустақил, шунингдек ёрдамчи сўз туркумларига оид лексемаларни ҳам қамраб олганлигини кўрсатади. Навоий ижодида қадимги туркий лексик бирликларга янги маъноларнинг юклатилиши авваламбор буюк ижодкорнинг новаторлигини англаб, иккинчидан эски ўзбек адабий тили сўз ҳосил қилиш имкониятларининг чексизлигидан далолат беради.

¹⁷ XV –XIX асрлар ўзбек тили морфологияси (исмлар, равиш, кўмакчи, боғловчи). -Тошкент, 1990. -230 б.

ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

ДЛТ - Девону луғотит турк. Том. I-III. Нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. -Тошкент, 1960-1963.

ДТС - Древнетюркский словарь. –Л., 1969. -676 б.

МН - Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Ўн иккинчи том. - Тошкент, 1966.

Муншаот - Алишер Навоий. Муншаот. Ўн учинчи том. –Тошкент, 1966.

МҚ - Алишер Навоий. Маҳбубул-қулуб. Ўн учинчи том. –Тошкент, 1966.

НМ - Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. Ўн бешинчи том. - Тошкент, 1968.

СИ - Алишер Навоий. Хамса. Сади Искандарий. Ўнинчи том. - Тошкент, 1965.

ТМА - Алишер Навоий. Тарихи мулуки ажам. Ўн тўртинчи том. - Тошкент, 1967.

ТЎН -Тўнқуқ битигтоши // Малов С.Е. Памятники древнетюркской письменности. Тексты и исследования. -М., -Л., 1951.

ХМ - Алишер Навоий. Хамсатул-мутаҳаййирин. Ўн тўртинчи том. - Тошкент, 1967.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том.I. -Тошкент, 1983. -326 б.

2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том.III. -Тошкент, 1984. -596 б.

3. Веселитский В.В. Отвлеченная лексика в русском литературном языке XVIII начале XIX в. -М., 1972. -Б.138-139.

4. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекского языка. –Ташкент: Фан, 1990. -597 б.

5. XV –XIX асрлар ўзбек тили морфологияси (исмлар, равиш, кўмакчи, боғловчи). -Тошкент, 1990. -230 б.

6. Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиёв А., Расулов Н., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. -Тошкент, 1980. -448 б.